# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 9-APREL, SESHANBA, 44 (8125)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Нукусда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслар маркази ва "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида "Биз – бир жамоа, биз – бир оила" ёшлар акцияси бўлиб ўтди. Бу йил тадбирда оролбўйилик 11 мингга яқин ўқувчи ва талабалар, номдор спортчилар, турли кўрик-танлов ғолиблари иштирок этишди.**

2



**Амир Темур яшаб ўтганига қарийб етти аср бўлса-да, бугун унинг шахсияти, сиёсати ва бунёдкорлик фаолиятига бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. Хўш, бунинг асосий сабаби нимада? Амир Темурнинг жасорат кўрсатиб, ўз даврида тарқоқ бўлган элларни бирлаштириш орқали улкан салтанат ташкил этганидами? Ёки унинг адолатпарварлик билан улуғ мақсадларни кўзлаб юритган сиёсатидами?**

3



**Олмалиқ «Аммофос-Максам» ОАЖ – мураккаб таркибли, барча турдаги қишлоқ хўжалик экинлари, сабзавотлар, мевали дарахтлар, дуккакли ва бошоқли экинлар, гуллар ва кўчатлар учун сувда эрувчан, юқори концентрацияланган азот-фосфорли янги универсал «PS-Агро» ўғитини тавсия этади.**

6

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► "Бекободцемент" очиқ акциядорлик жамияти билан Хитойнинг "China CAMC engineering CO.LTD" компанияси ҳамкорлигида қуруқ усулда цемент клинкери ишлаб чиқарадиган янги линия ишга туширилди. Мазкур янги линия йилига 750 минг тонна клинкер ишлаб чиқариш қувватига эга. У тўла қувват билан ишлай бошлагач, цемент ишлаб чиқариш 15 фоизга ўсади.

► **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сувни тежайдиган технологиялар жорий этишга оид ишлари юзасидан ахбороти тингланди.**

► Гулистон шаҳрида 330 ўринга эга Сирдарё ихтисослашган санъат мактаб-интернатининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Мактаб замонавий ўқув ва машғулот хоналаридан ташқари, икки гектарлик сўлим боғ, 100 ўринли ётоқхона, спорт иншоотларига ҳам эга бўлди. Айни пайтда бу ерда фортепиано, қашқар рубоби, доира, рассомлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги ихтисосликлари бўйича 90 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда.

► **Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасидаги Осиё чемпионати доирасида ўтказилган блиц-турнирда ҳамюртимиз Сарвиноз Қурбонбоева бронза медални қўлга киритди.**

Тошкент вилояти



Муҳаббат ХЎЖАМУРОДОВА олган сурат.

# УЧ КИЛОГРАММЛИ ЛИМОН

## БУ МАҲСУЛОТ ФАҚАТ БАСАВЛАТЛИГИ БИЛАН ЭМАС, САНОАТБОПЛИГИ БИЛАН ҲАМ ЯНАДА АҲАМИЯТЛИДИР

**Қибрайлик лимончи Муҳаммадазиз Фахриддинов отаси — юртимизда лимончилик соҳасида улкан ютуқларга эришган Зайниддин Фахриддинов изидан бориб, цитрус ўсимликларни юртимиз шароитида етиштириш ва кўпайтириш борасида илмий тажрибалар ўтказиб келмоқда. Муҳаммадазиз ака бир туп дарахтга бирйўла лимон, мандарин ва апельсинни пайвандлаш орқали уч хил таъмга эга сархил меваларни етиштирди. У ўз тажрибасини давом эттириб, қора мурчнинг оталик гули билан лимоннинг оналик гулини чанглатиши натижасида мурч таъмли янги лимон навини яратишга эришди.**

Яқинда унинг лимонариясида бўлганимизда, ғаройиб тажрибадан лол қолдик. Авваллари бунақасини сира кўрмаган эдик. Лимонлар нақ косадек-косадек келади. Меваларнинг ранги ва шакли деярли бир хил. Ҳажми эса тахминан 3 килограмм келади.

– Кўпдан буён Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти олимлари билан ҳамкорликда цитрус ўсимликларнинг ҳосилини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва саноатбоп навларни яратиш устида иш олиб борамиз, – дейди Муҳаммадазиз Фахриддинов. – Изланишларимиз зое кетмади. Цитрус ўсимликлардан юқори ҳосил олиш технологиясини ишлаб чиқдик. Бунинг учун аввало, экиш схемасини ўзгартириш зарур бўлди. Илгарилари кўчатлар 3х2 схемада экиларди. Бунда гектарига 1400 та кўчат сарфланарди. Тажрибадан маълум бўлдики, лимон кўчатларини шахмат усулида 2х2 схемада жойлаштириш ҳосилдорликни бир неча баробар оширар экан. Шунинг баробарида кўчатлар сони 2000 тани ташкил этади. Айниқса, шакл бериш жараёнида кўп оналик новдаларга куч бериш зарур. Суғориш, ўғитлаш каби агротехник тадбирларни вақтида ўтказиш ҳам ҳосилнинг мўл бўлишини таъминлайди.

Боғбонлар билишадики, цитрус ўсимликлар биоўғитни ёқтиради. Қанча берсангиз "ҳазм" қилаверади. Тўғри, тупроқнинг унумдорлигини оширишда минерал ўғитларнинг аҳамияти катта. Аммо улар меъёридан ошиб кетса, ўсимлик қуриб қолади. Шу боис, тупроққа кимёвий ўғитлар билан ишлов берилаётганда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. Майли, бироз кам бўлса бўлсин, аммо кўпайиб кетмасин. Чунки сал ортиқчаси ҳам тупроқдаги майда оқ илдизчаларни куйдиради. Оқибатда илдиз ривожланмай, ўсимликнинг қуришига сабаб бўлади. Қолаверса, маҳсулотнинг сифати бузилади. Айниқса, қаламчадан тайёрланган лимон кўчатлари минерал ўғитларни унчалик хоҳламайди. Зотан, бир тупроқшунос айтганидек, "Инсоннинг ер юзида қулай шароитда яшаши учун қанақа омиллар зарур бўлса, тупроқ тагидаги илдизга ҳам меъёрдаги парвариш ва ўғитнинг берилиши кутилган ҳосил гаровидир". Яқингача лимонзорлардан гектаридан атиги 40 тонна ҳосил олинарди, холос. Парвариш белгиланган тартибда олиб борилганда, ҳосилдорлик 4-5 бароборга ортади. Демак, гектаридан 200 тоннагача ҳосил олса бўлади.

Тажрибада биомоддалардан унумли фойдаландик. Мазкур янгиликда эса азоспирлиум биомоддасини қўллаб кўрдик. "Ф1—Яланғоч" навли лимоннинг оталик ва оналик гуллари тўлиқ етилган пайтда 20 та гулини азоспирлиумга 1-2 минут ботириб олдик. Лимонзорларда бу жараённи пуркаш орқали амалга ошириш мумкин.

— Азоспирлиум — экологик тоза бактерия, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институтининг лаборатория мудири Зоир Шокиров. — У ўсимликни биологик соф азот билан таъминлайди. Унинг ўсишига, ривожланишига, энг муҳими, ҳосил кўпайишига хизмат қилади. Қурғоқчил, ҳатто шўрланиш даражаси ўта юқори майдонларда ҳам бошоқли экинларни етиштириш имконини беради. Инсон организмига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди.

**(Давоми 2-саҳифада)**





Қорақалпоғистон Республикаси

## ЁШ САНЪАТСЕВАРЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ МАСКАНИ

**Шуманай тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 13-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида 170 нафардан зиёд ўқувчилар 5 та бўлимда 17 та йўналиш бўйича санъат сирларини ўрганиб келмоқда.**

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ фойдаланишга топширилган янги бинода санъатсевар ёшларнинг таълим олишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Мактабда концерт, хореография, ансамбллар учун кенг заллар, ёзги саҳна, ёғоч ўймакорлиги ва заргарлик устахоналари, мусиқа асбобларини сақлаш ва таъмирлаш хоналари мавжуд бўлиб, улар замонавий услубда таъминланган. Бундан ташқари, ҳозирда тумандаги Мамий, Ақжап, Бегжап қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ҳам мактабнинг филиаллари фаолият олиб боради. Уларга 50 нафардан зиёд ўқувчи жалб қилинган.

— Ўқув масканимизнинг энг замонавий мусиқа асбоблари билан таъминланиши кўплаб истеъдодли ёшларни тарбиялашда ўзининг ижобий самарасини бермоқда, — дейди 13-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби директори ўринбосари Маҳмуд Нажимов. — Санъатга қизиқувчан ёшларнинг сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Мактабимизда таниқли санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган кечалар доимий равишда ўтказилиб келинмоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

Хоразм вилояти

## АҲОЛИГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**Президентимиз раҳнамолигида Хоразм вилоятида саноатни ривожлантириш, ободонлаштириш, шунингдек, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда.**



1997 йилнинг октябрь ойидан буён троллейбус хизматидан фойдаланиб келаётган воҳа аҳли яқин ойлар ичида унинг "Шкода24 ТР" русумли янги туридан баҳраманд бўладилар. Энг сўнгги русумда ишлаб чиқарилган бу троллейбусларнинг афзаллиги шундаки, илгари битта троллейбус учун кунига 1200 киловатт электр энергияси сарфланган бўлса, эндиликда бу рақам 600 киловаттни ташкил этади.

– Бошқармамиз томонидан ҳозирда тизимда таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Абулғозий Баҳодирхон, Ал-Хоразмий, Тинчлик ва Зарафшон кўчалари бўйлаб 2400 метр троллейбус сим тармоқлари монтаж қилиниб, 34 та таянчлар ўрнатилди, – дейди Хоразм троллейбус бошқармаси раҳбари Руслан Рўзметов.

Шунингдек, бугунги кунда бошқарма паркини капитал таъмирлаш, биринчи навбатда, троллейбусларга техник хизмат кўрсатиш, ювиш бўлимини ҳамда маъмурий бинони таъмирлаш, ҳайдовчиларни ўқитиш ишлари давом эттирилмоқда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

Қашқадарё вилояти

## НУРИСТОНДА МИНИФАБРИКА

**Нишон туманидаги Нуристон шаҳарчасидаги "Ўктам Холиқов" хусусий корхонаси ишга тушганига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да, қисқа вақт ичида бу ерда турли либослар тайёрлаш йўлга қўйилди.**

– Тошкент шаҳридаги "Гулсанам текстиль" масъулияти чекланган жамияти билан тузилган шартномага кўра, 15 та тикув ускунаси харид қилдик, – дейди корхона раҳбари Ўктам Холиқов. – Ҳозир бу ерда спорт либослари ва бошқа турдаги кийимлар тайёрланяпти. Бу эса саккиз нафар ёшларни иш билан таъминлаш имконини берди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

▼ ОҒИР АТЛЕТИКА

# ЁШ ПОЛВОНЛАР ТОШКЕНТДА ТОШ КЎТАРИШМОҚДА

## «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУАСИДА ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ОҒИР АТЛЕТИКА БЎЙИЧА IV ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

**Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда Оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақа атлетлар учун 2014 йилнинг 16-28 август кунлари Хитойда ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган II Олимпия ўйинларига йўлланма берадиган дастлабки ва энг асосий саралаш босқичи ҳамдир. Унда ўсмирлар 25, қизлар эса 22 та олимпия лицензияси учун кураш олиб боришади.**

Тошкент шаҳрида бошланган оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатини ўтказишдан кўзланган мақсад ёш атлетларимизни 2016 Бразилияда бўладиган ёзги Олимпиадага босқичма-босқич тайёрлашдан иборат. Жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган Ўзбекистон ўсмирлар ва қизлар терма жамоаларига йигирма нафарга яқин иқтидорли спортчиларимиз жалб этилган.

Мамлакатимизда сўнгги саккиз йилда ушбу спорт тури бўйича олти йирик тадбир – уч мартадан Осиё чемпионати ва кубоги мусобақалари юқори савияда ташкил этилди. 2010 йили Тошкент шаҳрида ўтган қитъа биринчилиги ёш атлетлар учун Сингапур мезбонлик қилган I ўсмирлар Олимпиадасига саралаш мусобақаси вазифасини ўтади.

Ушбу жаҳон чемпионатига мезбонлик қилишга Ўзбекистондан ташқари Россия, Польша ва Таиланд каби давлатлар ҳам даъвогарлик қилган эди. Халқаро оғир атлетика федерацияси Ўзбекистонда Президентимиз раҳнамолигида Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган оғир атлетикани ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги бой тажрибаси ва имкониятларини инобатга олиб, мазкур жаҳон чемпионатини Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти Томаш Аян Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, мамлакатда ҳар қандай йирик мусобақани юқори савияда ташкил этиш учун етарли шарт-шароит яратилгани боис мусобақа муваффақиятли ўтишига ишонаётганини билдирди. Шунингдек, Халқаро оғир атлетика федерацияси томонидан 2017 йили катталар ўртасидаги оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати ҳам Тошкент шаҳрида ўтказилишига қарор қилинганини маълум қилди.





Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси раиси Б.Зокиров иштирок этди.

**А.НУРУЛЛАЕВ**

Сирдарё Вилояти

▼ 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

# ТОМОРҚА – ТЎКИНЛИК МАНБАИ

**Сирдарё тумани Синдоробод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи меҳнат фахрийси Тўрабек Жўраев 10 сотихлик иссиқхонадан бир йилда икки марта помидор ва бодринг етиштириши ҳисобига 35-40 миллион сўм даромад қилади. Томорқасига октябрь ойида эккан помидор январь ойи охирларида пишиб етилади.**

Биринчи экин йиғиштириб олингач, майдонларга бодринг кўчатларини ўтқазади. Қарабсизки, кейинги экилган бодринг ҳам апрель ойида тўлиқ пишиб-етилиб, тайёр бўлади. Икки қаватли плёнка билан ўралган иссиқхонани иситишда кўмир ва ўтиндан фойдаланади. Ўғли Шавкатжон, келинлари Дилфуза, Шаҳноза, Ситора — жами 8 киши иссиқхонада меҳнат қиляпти. Экин озиқлантирилиб, икки марта суғорилади, бир марта чопилади. Экинга бир неча тонна гўнг зарур микдордаги калий ва фосфорга аралаштириб берилади. Ҳалол меҳнат туфайли Жўраевлар оиласи бахтли-саодатли турмуш кечирмоқда.

Сирдарё туманида томорқадан самарали фойдаланиб, оила иқтисодини бойитиб, бозорларимиз тўкинчилигига муносиб ҳисса қўшаётганлар кўп. Масалан, У.Юсупов номли қишлоқ фуқаролар йиғини Жўраев маҳалласида истиқомат қилаётган Абдужаббор Аввалов 15 сотих майдонда йилига 2,5-3 минг туп олма, гилос, шафтоли, анор, жийда кўчатлари етиштириб, улардан 2-3 миллион сўм фойда олаётир.

Оқолтин тумани Фарғона шаҳарча фуқаролар йиғини Собиробод маҳалласида яшовчи Абдуғафур ота Шокировлар оиласи эса томорқада помидор, булғор қалампири кўчатлари ва бодринг ҳосили етиштириб йилига миллион сўмлаб фойда кўряпти. Оилада бирорта бекорчи одамни учратмайсиз. Бўш вақт бўлдики, ҳаммаси томорқада ишлаб, яратувчилик, маъмурчилик билан шуғулланишади. Маҳаллий ўғит, товуқ гўнги ҳам хонадоннинг ўзидан чиқади. Айни пайтда ердан атиги 45-50 сантиметр баланд кўтарилган плёнка билан махсус ўралган ўзига хос иссиқхонада кўчатлар етилиб, тайёр бўлиб турибди.

Вилоят миқёсида фикр юритадиган бўлсак, бугунги кунда вилоятда 13981 гектар шахсий томорқа 115,1 минг хонадон ихтиёрига бериб қўйилган. Туман ва қўрғонларда доимий ишлаётган 50 та, кўчма равишда мавсумий ташкил этилган 40 та дўконлар орқали тижорат банклари томонидан томорқа эгаларига сабзавот, полиз, гул кўчатлари уруғлари, мевали ва манзарали кўчатлар доимий етказиб берилмокда. Айни вақтда “Агробанк”нинг Сирдарё вилояти филиали ва бошқа тижорат банклари томонидан ажратилган автомашиналар томорқачиларга уруғ, кўчат ва минерал ўғитларни етказиб беришда намунали хизмат кўрсатаётир.

— Банклар томонидан шахсий томорқа эгаларига берилаётган имтиёзли кредитлар янги боғ-роғлар, сабзавотчилик ва кўчатхоналар ташкил этиш, томорқа хўжалигини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этаётир, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи, томорқалардан фойдаланишни назорат қилиш вилоят ишчи гуруҳи раҳбари Ғуломжон Маматов. — Шу йилнинг биринчи чорагида шахсий томорқа хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун тижорат банклари томонидан 184 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Шунинг 34 миллион сўми узум-ток кўчатлари, 23 миллион сўми уруғлик, минерал ўғит ва кимёвий ҳимоялаш воситалари сотиб олиш, 6 миллион сўми иссиқхоналар ташкил этиш учун берилди. Бу борадаги ишларни давом эттириб, йил охиригача шахсий томорқа эгаларига 1 миллиард 700 миллион сўм кредит ажратилиши кўзда тутилган. Эвазига томорқа хўжаликларида мўл-кўл мева, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, бозорларимиз тўкин, дастурхонларимиз файзли бўлиши йўлида бор имкониятларни ишга соламиз.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси



# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР АКЦИЯСИ

**Нукусда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслар маркази ва “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида “Биз – бир жамоа, биз – бир оила” ёшлар акцияси бўлиб ўтди.**



М.ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Бу йил тадбирда оролбўйилик 11 мингга яқин ўқувчи ва талабалар, номдор спортчилар, турли кўрик-танлов ғолиблари иштирок этишди. Иштирокчилар ахборот технологиялари, хорижий тиллар, журналистика каби йўналишлар бўйича қобилиятларини синаб кўришди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ва бошқа қатор ўқув юртларида хорижий тилларни ўрганиш, Интернет журналистика бўйича тренинглар, ёшларни ишга жойлаштириш бўйича семинарлар бўлиб ўтди. “Келажак овози” ёшлар ташаббуслар маркази томонидан “IT-school” лойиҳаси вакилларининг тақдимот маросими ўтказилди. Унда иқтидорли ёшлар мунтазам ташкил этиладиган бепул ўқув марказларига танлаб олинди.

Акция доирасида илк бор симулацион ўйинларнинг саралаш босқичи ўтказилиб, ғолиблар жорий йилнинг 29 июнидан 6 июлига қадар Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида иштирок этиш имкониятига эга бўлишди. “Дилемма” мунозаралар клубида ўтган баҳс-мунозарада ғолибликни қўлга киритганлар Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган дискусcион форумга йўлланма олишди.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи “Ҳаёт учун!” хайрия форум марафонида 4 мингга яқин иштирокчи икки минг метр масофани босиб ўтишди. Ғолибларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

– Жорий йилги тадбир дастури ранг-баранг бўлиб, бизда алоҳида қизиқиш уйғотди, – дейди акция иштирокчиси Фурхат Юсупов. – Менда, айниқса, “Интернет журналистика тараққиёти” мавзуида ташкил этилган тренинг алоҳида таассурот қолдирди.

“Биз – бир жамоа, биз – бир оила” ёшлар акцияси якуний босқичида “Турон” ўйингоҳида “Ҳаёт учун!” хайрия футбол учрашуви ўтказилиб, унда эстрада юлдузлари ва “Келажак овози” фаолларидан ташкил этилган жамоалар тўп суришди. Ёшларнинг катта байрами эстрада юлдузлари, умидли ёш хонандалар, “Ниҳол” мукофоти совриндорлари, “Келажак овози” танлови ғолиблари, “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивали лауреатларининг гала концерти билан якунланди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан тадбиркорлар учун ахборот-маслаҳат ва улар бизнесига кўмаклашиш мақсадида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда палата масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Тадбирда таъкидланганидек, Савдо-саноат палатаси юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган масалаларни муваффақиятли ҳал этиб келмоқда. Хусусан, ўтган йили палата 116 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол қатнашди, ўз сафига қарийб 1,6 минг тадбиркорлик субъектларини бирлаштирди. Етмишга яқин хорижий делегациялар ва бизнес доиралар вакиллари билан икки томонлама музокаралар ташкил этилди.

Натижада ўтган йили 20 қўшма корхона ва 29 хорижий корхона фаолияти йўлга қўйилди.

Палата иштирокида 96 кўргазма ва ярмаркалар ташкил этилди. Уларда мамлакатимиз ва хорижий давлатлардан 6 мингга яқин компаниялар қатнашди. Шунингдек, 640 нафардан зиёд тадбиркорлар хорижда ўтказилган ана шундай тадбирларда иштирок этиш имкониятига эга бўлишди.

Анжуман сўнгида бугунги кунда Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) бўлинмалари ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар билан фаол иш олиб бораётгани, уларга ахборот, юридик ва суғурта хизматлари кўрсатилаётгани, таъсис ҳужжатлари ва бизнес-режани тайёрлаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича маслаҳатлар берилаётгани, янги иш ўринларини яратиш, пировардида эса аҳоли турмуш тарзини янада яхшилашга эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Бухоро Вилояти

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

# УЗУМЧИЛИК ҲАМ, УНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҲАМ РИВОЖЛАНАДИ

**Президентимизнинг шу йил 13 мартдаги “2013–2015 йилларда республикада узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири – узумчиликни ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.**



*Жамият мутахассислари Салом Собиров ва Самад Муродовлар янги экилган ток кўчатлари ривожини кўздан кечиришмоқда.*

Бухоро вилоятида қарор ижросини таъминлаш мақсадида узумчиликни ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналарининг хомашё базасини мустаҳкамлаш, мавжуд токзорлардан самарали фойдаланиш, янги токзорлар барпо этиш ва эскиларини реконструкция қилиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ҳамда амалий ишлар бошлаб юборилди.

– Дастурга мувофиқ жамиятимиз томонидан 25 гектар майдонда янги узумзор ташкил этиш кўзда тутилган, – дейди “Шохруд” очиқ акциядорлик жамияти раҳбари Баҳодир Бобожонов. – Ҳозирда 23 гектар майдонда узумнинг саноатбоп навларини ўтқазиб, парваришлаш ишларини бошлаб юбордик. Бу келгусида корхонамизни хомашё билан тўлиқ таъминлаш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини беради.

Корхона мутахассиси Самад Муродовнинг таъкидлашича, бу йил токзорлар қатор орасига қўшимча экинлар экиш ҳисобидан 35 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилмоқда. Бунинг ҳисобига 10 та янги иш ўрни яратилади. Корхонага яқинда “Ҳамкорбанк”нинг иқтисодий кўмаги билан Шофиркон туманидаги Жуйрабод қишлоқ фуқаролар йиғинида Италиянинг “Della Toffola SpA” компанияси технологияси асосида узумни қайта ишлайдиган линия келтириб ўрнатилади.

– Вилоятда узумни қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш борасида янги қадам ташладик, десам муболаға бўлмайди. Негаки, вилоятда қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи – узумчиликни жадал ривожлантириш ва аҳоли ҳамда фермер хўжаликларида етиштириладиган бу турдаги маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича мақтовга арзигулик ишларни бошлаб юборилган. Бу саъй-ҳаракатлар эса яқин келажакда натижасини кўрсатиши турган гап.

**Ҳамроз АЛИ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# УЧ КИЛОГРАММЛИ ЛИМОН

**(Боши 1-саҳифада)**

— Бу усулни сабзавотлар — бақлажон, помидор, булғор қалампирида ҳам синаб кўрдик, — дейди М.Фахриддинов. — Натижа чакки бўлмади. Чиройли, сифатли маҳсулот олинди. Лимонлардаги пектин моддаси одатдаги лимонга қараганда анча юқори. Муҳими, улар қайта ишлаш саноати учун қулай ва витаминларга бой.

Туманимиздаги “Фахр” хусусий корхонаси цитрус ўсимликларни кўпайтириш ва қайта ишлашга ихтисослашган. Мен бу корхонада кўп йиллардан буён бош консультант сифатида фаолият олиб бораман. Корхонага қарашли кўчатчилик питомнигида кўчат тайёрланади. Кўчат етказиб берилган фермер ва боғбонларга жойига бориб илмий маслаҳатлар берамиз, илғор тажрибаларни ўргатамиз, ёш кўчатларни назорат қилиб турамиз. Шу йилдан бошлаб фермер ва томорқа хўжаликлари учун етиштирилган маҳсулотни сотишда муаммо бўлмайди. Насиб этса, мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида корхонада лимонни қайта ишлаш цехи, 100 тонналик музлаткич ишга тушади.

Селекционер олимнинг ниятлари катта. У янги тажрибалар устида ишлаяпти: 1000 туп папая ўсимлиги ҳар хил ўстирувчи моддаларда синалмоқда. Келгусида папаянинг гули билан лимон ва апельсин гулларини чанглатиш орқали янги нав яратиш устида изланмоқда.

**Соҳиба СОЛИЕВА,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Самарқанд Вилояти

# ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятда хайрия тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу тадбирлар 27 мартдан 22 апрелгача ўтказилиши кўзда тутилган.**

“Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми” нодавлат нотижорат ташкилоти, “Меҳр нури” жамғармаси ва “Келажак овози” ёшлар ташаббуслар маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбир доирасида қатнашчилар ҳамда кино усталари вилоятдаги тадбиркор ва фермерлар фаолияти билан танишишди. Эътиборлиси, ушбу тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари, “Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми” ахборот марказлари томонидан берилган тавсиялар ва кўмак ёрдамида ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолиятини кенгайтириш, ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратилган. Мисол учун Самарқанд туманидаги “Ҳамидов Ҳалим саховати” фермер хўжалиги тасарруфидаги 26 гектар ер майдонида узум, олма, шафтоли, гилос, олхўри каби мевалар етиштирилади. Ўтган 2012 йилда хўжаликда имтиёзли кредит эвазига ҳўл мева ва сабзавот сақлашга мўлжалланган 7 та совиткич ва махсус пластмасса қутилар ишлаб чиқариш цехи қурилди. Ўтган йили совиткичхонага 150 тонна олма, 100 тонна узум жамғарилиб, қиш кунларида ҳам халқимиз дастурхони тўкинлиги таъминланди. Муҳими, ушбу лойиҳа асосида ўнга яқин иш ўрни яратилди.

Шунингдек, тадбирда “Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми” кўмагида фаолиятини йўлга қўяётган тадбиркорлар, ишбилармонларга имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар тақдим этилди.

Тадбирда вилоят ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Наманган Вилояти

# «Чортоқ ипаги» қулочини кенг ёзмоқда

**Чортоқ туманидаги “Чортоқ ипаги” наслчилик фермер хўжалиги “Алоқабанк”нинг Наманган вилояти филиалидан кредит олиб, бир миллиард 400 минг сўм сармояга Германиядан 155 бош зотли ғунажин олиб келинганлиги, зотли моллар маҳаллий шароитга мослашиб, ҳар биридан соғлом, ўрта ҳисобда 60 килограмм тош босадиган бузоқлар олинганлигидан хабаримиз бор эди.**

Яқинда мазкур хўжаликнинг чорвачилик комплексида бўлдик. Янгиликлар кўп эди. Шулардан бири хўжалик техника базаси Германияда ишлаб чиқарилган “Арион” русумли трактор билан бойибди. Бу нафақат фермер хурсандлигига, балки хўжалик аъзоларининг мамнунлигига сабаб бўлибди. Умуман олганда, хўжаликда иш яхши ташкил этилгани боис барча чин дилдан меҳнат қилади.

— Тажрибали ветеринар Камолиддин Мирзахолов, молбоқарлардан Ҳамиджон Иброҳимов, Азизжон Эргашев, сут соғувчилардан Барчиной Қаюмова, Муҳайё Ғозиева, Тўхтахон Ғозиева ва бошқаларнинг бир мақсад йўлида астойдил меҳнат қилишлари ҳисобига иқтисодий кўрсаткичларимиз йилдан-йилга яхшиланиб бораётир, — дейди фермер Воҳиджон Саматов. — Қолаверса, хориждан зотли чорва моллари келтирилганлиги боис ишларимиз янада жонланиб кетди. Айни кунларда чорвачилик комплексимизда жами 479 бош қорамол, қарийб 200 бош сигир боқилмоқда. Уларнинг насли асосан “Швиц-Браун” ҳамда “Қора-ола”. Сигирларнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда 15-16 литрдан сут соғиб олинаётир. Маҳсулотнинг асосий қисми шартнома бўйича “Нестле” компаниясига сотилади. Биргина ўтган йилнинг ўзида 450 тоннадан ортиқ сут, 112 тонна сифатли гўшт етиштиришга эришдик. Гўшт маҳсулотларининг асосий қисми пойтахт бозорларига арзон нархларда етказиб берилди. Қўлга киритилаётган меҳнат ютуқлари бизларни янгилик сари интилиб ишлашга чорлайди. Шу боис, “Қишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси билан узоқ муддатли кредит эвазига Германияда ишлаб чиқарилган юқори унумли техникани сотиб олишга эришдик. Янги техника, қолаверса, уни бошқараётган Маҳмуджон Ҳошимовдан умидимиз катта.



*Фермер хўжалиги иссиқхонаси ишчилари Рауфжон Нуриддинов, Нодира Тошболтаева ва Гулноза Абдураҳмонова.*

Мазкур фермер хўжалигининг ер майдони 225 гектар. Ўтган йили 116 гектар майдондаги ғалладан 68 центнердан, жами 790 тонна буғдой хирмони яратилганди. Давлат эҳтиёжлари учун 260 тонна сара уруғлик, 464 тонна ғалла сотилди. Режадан ортган буғдой фермер хўжалиги аъзоларига ҳамда хўжалик иқтисодини мустаҳкамлашга сарфланди. Шунингдек, фермер хўжалиги аъзолари ўн гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан мўлжалдаги 38 центнер ўрнига 58 центнердан ҳосил олишди. Бундан ташқари, 40 гектарда беда, 30 гектар ерда маккажўхори, тўрт гектар майдонда эса лавлаги етиштирилиб, чорва моллари учун мустаҳкам озуқа базаси яратилди. Меҳнат муваффақиятлари орасида пиллачилик соҳасидаги юқори кўрсаткичлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Шунингдек, бир гектар жойда иссиқхона ташкил этилиб, қўшимча 15 та иш ўрни яратилган. Иссиқхонада вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида муқобил энергия манбаи — биогаз технологияси жорий этилган. Органик чиқиндиларни ҳавосиз муҳитда ачитиш усули билан газ ёнилғиси ҳосил қиладиган қурилма ёрдамида хўжаликнинг бир гектар майдондаги иссиқхонасида мўътадил иқлим шароити яратилди. Эндиликда бу ерда қишда ҳам маҳсулот етиштириш йўлга қўйилди. Ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш мақсадида иссиқхона атрофига 150 туп анор кўчати ўтқазилган. Фермер жорий йилда Навбаҳор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчаси бунёд этиб, янги иш ўринлари яратмоқчи.



*Фермер Воҳиджон Саматов ва механизатор Маҳмуджон Ҳошимов.*

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

*Бугун — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун*

# Эзгулик ва адолат ҳамиша боқийдир

**Тарихда дунёни ларзага солган ҳукмдорлар кўп. Аммо улар орасидан саноқлиларигина адолат ва эзгулик йўлида сиёсат юритган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ана шундай буюк жаҳонгир сифатида эътироф этилади.**



Амир Темур яшаб ўтганига қарийб етти аср бўлса-да, бугун унинг шахсияти, сиёсати ва бунёдкорлик фаолиятига бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. Хўш, бунинг асосий сабаби нимада? Амир Темурнинг жасорат кўрсатиб, ўз даврида тарқоқ бўлган элларни бирлаштириш орқали улкан салтанат ташкил этганидами? Ёки унинг адолатпарварлик билан улуғ мақсадларни кўзлаб юритган сиёсатидами?

Амир Темур ўз даврида Мовароуннаҳрда феодал тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган давлат ташкил этаётган дастлабки кезларданоқ бунёдкорликка алоҳида эътибор қаратган. Илм-фан ва маънавият аҳлини ардоқлаб, уларга ҳомийлик қилган. Кўплаб мадрасалар ҳамда кутубхоналар қурдирган. Ва бу даргоҳларда ўз даврининг етук олимлари талабаларга сабоқ берган. Эътиборлиси, мадрасаларда илоҳиётга оид илмлар қаторида дунёвий фанлар ҳам чуқур ўргатилган. Соҳибқирон қурдирган кутубхоналар илм аҳлига ўз замонасининг йирик илмий марказлари бўлиб хизмат қилган. Амир Темур ва Темурийлар давридаги кутубхоналарда яратилган бадиий қўлёзма асарлар ҳозирги пайтда дунёнинг нуфузли илмий марказларида энг нодир бойлик сифатида сақланаётгани бунинг исботидир.

Шу ўринда Соҳибқирон ўзи забт этган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга катта эътибор қаратганини таъкидлаш жоиз. Бу борада "Темур тузуклари"да шундай ёзади: "Қандайдир ҳудудни эгаллаб олганимда ёки қандайдир ҳудуд менга қўшилганда, мен ифлосланиб кетган ариқларни тозалашни, дарёларга кўприклар қуришни ва тузатишни ҳамда бир кунлик оралиқда бўлган масофаларга карвонсаройлар қуришни буюрардим. Карвонсаройларда назоратчилар ва йўл соқчилари бўлишарди. Улар савдогарларнинг хавфсизлигига жавобгар эдилар. Ҳар бир шаҳарда масжид, мадраса ва хонақоҳлар қуришни, фақиру мискинларга лангархона (ғарибхона) солишни, касаллар учун бошпана ва шифохоналар қуришни буюрар эдим".

Ҳа, тарих зарварақларида Амир Темур беназир фазилатлар соҳиби, музаффар саркарда, улкан салтанат бунёдкори сифатида абадиятга муҳрланган. Бу буюк зотнинг шахсияти ва сиёсатига қизиқиш бундан буён ҳам кучайса кучаядики, асло сусаймайди. Зотан, тарихчи Низомиддин Шомий ёзиб қолдирганидек, Амир Темурнинг хайрли ишлари фақат йиллар эмас, балки кўп асрлар давомида боқий қолади.

**Сайдодил САЙИДИСЛОМОВ**

Қашқадарё Вилояти

**Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур таваллудининг 677 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

## СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али ва бошқалар Амир Темур шахсининг ўрганилиши, унинг қарийб беш аср давом этган сулоласи, у асос солган кучли салтанат фақатгина ҳарбий куч-қудратга эга бўлиб қолмай, балки ўша давр халқаро сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида алоҳида нуфуз ҳамда қимматга эга эканлигини таъкидлашди.

Соҳибқирон бобомизнинг "Бизнинг қудратимизга шубҳа қилганлар биз қурдирган иморатларга боқсунлар" деган сўзлари исботи ўлароқ, Амир Темур қурдирган бинолар дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда. Хорижлик олимлар томонидан бу муҳташам обидалар ўрганилмоқда, қатор илмий ишлар олиб борилмоқда. Буни биргина франциялик олима, фан доктори Селин Оланьенинг изланишлари мисолида айтиш мумкин.

– Ўзбекистон ва франциялик мутахассислар ҳамкорлигида Оқсарой ҳовлисида музейфикация лойиҳаси амалга оширилмоқда, – деди Селин хоним. – Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳамда Франциянинг Дордон департаменти ўртасида имзоланган шартномага асосан амалга ошириляпти.

Илмий-амалий конференция қатнашчилари тадбир доирасида Шаҳрисабздаги Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали пойига анвоий гуллар қўйиб, буюк саркарда хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

# ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИКДА МУЛКИ МИЛЛАТ ИЧРА ИБРАТ БИТИКЛАР

Соҳибқирон Амир Темурнинг тенгсиз азму шижоати, мардлиги ва донишмандлиги, тузган кучли давлати, уларда ободлик, фаровонлик, зироат, боғдорчилик ва шаҳарсозлик йўлидаги хайрли амаллари тарих зарварақларига муҳрланди. Амир Темурнинг ибратли аъмоллари замондошлари, хусусан, европалик олимлар, сайёҳлар, тарихчилар эътибори ва эътирофига сазовор бўлди. Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга – Амир Темур саройига сайёҳат кундалиги» асарида Самарқанд қуйидагича тасвирланган:

"Бугун шаҳар атрофи баъзи жойлари бир ярим, баъзан икки лига масофага чўзилган боғлар ва токзорлар билан ўралган. Боғ ва токзорлар шу қадар кўп эдики, кириб келаётганингизда шаҳар бамисоли баланд дарахтлардан ҳосил бўлган ўрмон ўртасида жойлашгандай кўринади. Шаҳар бўйлаб ва боғларидан кўплаб ариқлар ўтказилган. Шу боғлар оралиғида анча-мунча қовун ва пахта экилган. Бу мамлакатнинг қовуни жуда мўл ва ширин эди. Ҳар куни шу қадар кўп қовун ортилган туялар келар эдики, бу қовунлар қай йўсунда харид қилиниб, қандай истеъмол этилишига ажабланмаслик мумкин эмас. Қишлоқларда қовун шу қадар мўлки, қуритиб қовун қоқи қилиб келаси йилгача сақлайдилар. Самарқанд ва унинг атрофидаги ерлар ҳайратомуз даражада мўл-кўл ва бой эди. Мана шундай бойлиги туфайли шаҳар Самарқанд деб аталади".

Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асаридаги "Амир Соҳибқироннинг Қорабоғда қишламоқ қилганлиги баёни" фаслида Соҳибқироннинг шикор ташкил қилиши билан боғлиқ воқеалар тасвирланади ва шу ўринда хароба бўлиб, қуриш арафасида турган анҳорни обод қилганлиги шундай баён қилинади: "Ана шу шикор асносида бир хароба наҳр (анҳор)га етдиларки, номдор султонлару иқтидорли подшоҳлардан ёдгорлик эди. Аммо замона қўли унинг асосини вайрон қилиб, кеча-кундуз ҳодисалари унинг атрофу жавонибини тўкилтириб юборган эди. Амир Соҳибқирон ўз подшоҳона назарини у мавзеларга ташлаб деди: "Номдор подшоҳлар қудратининг фойдаси адолат шиор маликлар ғамхўрлигининг манфаати хайрли ишларни шойиъ қилиш ва яхшиликларини ёйишдир. Ҳозирда биз ўтмиш подшоҳларидан қолган асарларини назора қиляпмиз. Бироқ, албатта, биздан ҳам бирор ёдгорлик қолиши лозимки, замонлар ўтиши билан бизнинг номимиз ўша ёдгорликда сақланиб қолсин ва унинг ажру савоби беандоза бўлсин", — деди. Шундан сўнг у наҳрни қазишга буюрди. Қудратли подшоҳлар бир қанча муддатларда унинг уҳдасидан чиқолмаган эдилар, чунки унинг бошланиш даҳанасини Арас (Аракс) сувидан, Кўшки Жанкаши деб машҳур бўлган мавзедан кесганлар. Унинг узунлиги эса қарийб ўн фарсахга, балки ундан ҳам ортиқроқ чўзилган ҳамда ҳозир бамисоли бир дарёчадек бўлиб қолган эди. Уни бир ойга яқин муддатда тамомлаб, сув юргиздилар. У анҳорнинг этаги Сарча Бел деб атаганлари мавзеда Пири Камар мозоридан ўтади, бориб Гилон ва Мозандарон денгизига қуйилади. Амир Соҳибқирон у анҳорга "Наҳри Барлос" деб ном қўйди, токи у улуғ хонадоннинг номи шундай хайрли иш воситаси билан замона саҳифаси юзида боқий қолгай! Ҳозирги ҳолатда у вилоят аҳолиси ундан шоду хуррамдирлар, ҳамма унинг атрофида зироат ва иморат қилишга, тегирмонлар қуриб, қишлоқлар барпо этишга иштиёқмандирлар. Ҳар қалай бу анҳор ўтмиш билан у шаҳар ва диёрларнинг ободонлигига сабаб бўлғай. Ҳа, шундай байт:

***Худонинг раҳмати бўлсин***
***ўшандоқ бандага мудом***
***Халойиққа вужудидан етар***
***осойши ором".***

Ушбу асарнинг "Самарқанднинг шимолида боғ ва кўшк бино қилинганлиги баёни" фаслида "Амир Темур Соҳибқирон салтанат мақомида қутлуғ қарор топгач, усталар ва муҳандисларни жамъ қилишни буюрди. Қутлуғ бир соату муборак бир толеда, яхши бир куну бахтли бир вақтда ... бир кўшк, улуғворлик асосига қурилган бир айвон бино қилдилар. Унинг атрофини боғу-бўстонлар билан безадилар. У жаннат каби оромижон, эрам боғидек дилкушо эди. Олма, анор дарахтлари шохи ўз ғунчалари косасидан бинафшаю гул устига мушку анбар сочарди. Амир Соҳибқирон у боғ ва саройларнинг қурилиши билан бир ойни ўтказди. Ожиз кишилару раиятларини, савдогару деҳқонларни муҳофаза этишда қонунларга риоя қилиб, адолат бажо расмини келтиради".

Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ҳар бир аъмоли биз учун ибрат. Президентимизнинг "Юксак маънавият енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, "... эртанги авлодларимизнинг ҳам маънавий бойлигига айланиб, халқимизга ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган руҳий куч-қувват ва мадад бериши муқаррар".

**Буробия РАЖАБОВА,**
**ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.**





○ Эълонлар

*Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!*

## «ҚУЙИ СИРДАРЁ» ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ЖИЗЗАХ ГИДРОГЕОЛОГИК МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Лот № 3:**

**Лот № 3-1: "Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "ПК-6" (ПК307+00 дан ПК372+00 коллекторини тизимли таъмирлаш-тиклаш (31,26 км.)".**

Объектнинг бошланғич қиймати: **ҚҚСсиз 313,162 млн. сўм.**

**Ишларни тугаллаш муддати:** 2013 йил 1 ноябргача.

**Лот № 3-2: "Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги (ПК233+70 дан ПК277+70 гача) коллекторини тизимли таъмирлаш-тиклаш (56,46 км.)".**

Объектнинг бошланғич қиймати: **ҚҚСсиз 536,015 млн. сўм.**

**Ишларни тугаллаш муддати:** 2013 йил 1 ноябргача.

**Лот № 3-3: "Жиззах вилояти Зомин туманидаги "К-3" коллекторини тизимли таъмирлаш-тиклаш (69,82 км.)".**

Объектнинг бошланғич қиймати: **ҚҚСсиз 664,736 млн. сўм.**

**Ишларни тугаллаш муддати:** 2014 йил 1 мартгача.

Жами: **1 513,913 млн. сўм.**

**Лот № 4:**

**Лот № 4-1: "Жиззах вилояти Арнасой туманидаги "ЦК-12" (ПК00+00 дан ПК67+50 гача коллекторини тизимли таъмирлаш-тиклаш (60,044 км.)".**

Объектнинг бошланғич қиймати: **ҚҚСсиз 608,992 млн. сўм.**

**Ишларни тугаллаш муддати:** 2013 йил 1 ноябргача.

**Лот № 4-2: "Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги "ЦК-9" (ПК200+00 дан ПК280+40) коллекторини тизимли таъмирлаш-тиклаш (62,23 км.)".**

Объектнинг бошланғич қиймати: **ҚҚСсиз 598,924 млн. сўм.**

**Ишларни тугаллаш муддати:** 2013 йил 1 ноябргача.

**Лот № 4-3: "Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги "ПК-7" коллекторини тизимли таъмирлаш-тиклаш (86,08 км.)".**

Объектнинг бошланғич қиймати: **ҚҚСсиз 739,469 млн. сўм.**

**Ишларни тугаллаш муддати:** 2013 йил 1 ноябргача.

Жами: **1 947,385 млн. сўм.**

Ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи манзили:** Жиззах шаҳри, "Оби-ҳаёт" даҳаси.

**Телефон:** (8-372) 504-03-21, 226-14-76.

Диққат! Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилаётганда оферентларнинг таклифлари тенг баҳоланганда кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх **преференциялари** кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 минг сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

<u>*ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!*</u>

## ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

**Лот №45-1. Капитальный ремонт бассейна при спорткомплексе Олимпийского резерва г. Карши.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **509.532.000 сум без НДС, 611.438.408 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **5 месяца**.

**Лот №45-2. Капитальный ремонт жилого дома №67 в мкр. №3 г. Карши Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **145.005.000 сум без НДС, 174.006.000 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **3 месяца**.

**Финансирование осуществляется за счет**: Местный бюджет

Заказчик: **Инжиниринговая компания Кашкадарьинского облхокимията.**

**Адрес:** г.Карши ул. «Узбекистон Овози газетаси» дом 3. Тел.: 227-13-51, 227-18-51.

Размер квот для субъектов малого бизнеса по объектам капитального и текущего ремонта жилых и нежилых зданий составляет 100%.

Предприятия и организации выступавщие в качестве претендентов должны соответстовать следующим требованием: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производительные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов - Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразования в строительстве, по адресу – г.Карши Ханабадское шоссе дом 46а. Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.

Стоимость одного комплекта документов 120000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составляет 28 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления, в здании заказчика по адресу - г.Карши ул. «Узбекистон Овози газетаси» дом 3.

ООО "EASY TRANS SERVIS" (ИНН 206567424) Учтепинского р-на г. Ташкента уменьшает Уставной фонд с 73 296 361 сум до 5 953 926 сум. Тел.: +99893 390-94-55.

Тошкент ш. Ҳамза т. ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "GULIJON BIZNES FAROVON KAPITAL" ХК манзил: Ҳамза т. Олтинтепа кўч. 19-уй (СТИР 302432172) ташкилий-ҳуқуқий шакли "GULIJON BIZNES FAROVON KAPITAL" МЧЖга ўзгартирилаётганини маълум қилади.

ООО "VERONA DESIGN" (ИНН 206696066), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского р-на г. Ташкента (реестр № 001685-03 от 30.06.2006 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Мичурина д. 4, ликвидируется (решение учредител № 1 от 08.04.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления по тел.: 215-51-85.

"Учтепа тумани кадастр хизмати" томонидан жисмоний шахс Хамидов Фарход Махмудович номига Учтепа тумани Рахимбобоева 31-уй учун 30.04.2010 й.да берилган №1656 сонли маълумотномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (реестр № 005535-01, 07.01.2013 й.) рўйхатга олинган "TORNADO EXTRACT" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли Оилавий корхонага ўзгартирилишини маълум қилади. Даъволар 2 ой мобайнида (+99894) 630-88-10 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент вил. Зангиота т. ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор "TUYCHIEV TURAVOY JURAEVICH" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Организация поставляет
под заказ
• ПОДСОЛНЕЧНЫЙ ШРОТ
• СОЕВЫЙ ШРОТ
• РЫБНУЮ МУКУ
G №734
и другие ингредиенты для комбикормов для кур несушек и бройлеров
Тел. (+99890) 968-86-06
E-mail: tohir@sifco.uz

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (21.07.2009 й., реестр № 002431-07) рўйхатга олинган "MAK-KUR SERVIS" МЧЖнинг Устав фонди 90 000 000 сўмдан 75 000 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (16.03.2012 й., реестр № 005057-01) рўйхатдан ўтган "TOSHKENT LYUKS TRANS" МЧЖга (ИНН 207128478) тегишли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (30.01.2013 й., реестр № 000600-01) рўйхатдан ўтган "XALIMBEK BIZNES" (ИНН 205550898) МЧЖнинг устав фонди 2 000 200 000 сўмдан 9 550 000 сўмга камайишини маълум қилади.

ЧП "SOBIR-ULUG'BEK SAVDO" (СТИР 301949289) сообщает об изменение формы собственности и реорганизации в семейное предприятие "SOBIR-ULUG'BEK SAVDO" с переходом всех прав и обязательств ЧП "SOBIR-ULUG'BEK SAVDO" к семейное предприятие "SOBIR-ULUG'BEK SAVDO".

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ҳокимияти томонидан (реестр № 005578, 29.03.2010 й.) рўйхатдан ўтган Тошкент ш. М.Улуғбек т. Академиклар шаҳарчаси Мухитдинов кўч. "Гузар" маҳалла марказида жойлашган "MIX PHARM" (СТИР 207071137) МЧЖ (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 08.04.2013 й.даги таъсисчилар умумий йиғилишининг №15 сонли баённомасига асосан) тугатилади. Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 1 ой муддатда 178-63-00 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Ташқи Меҳнат Миграцияси масалалари агентлиги томонидан "HONG TAI YANG" МЧЖ номига берилган № 5497 сонли хорижий ишчи кучини жалб қилиш рухсатномаси (лицензия) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Шайхантахурский р-н ул. Ходжаева д. 1 кв-ра 55, выданный Шайхантахурским БТИ на имя Алиева Маликкхона Мурадходжаевича, считать недействительным.

Утерянную Гувохному (Свидетельство о регистрации юридического лица), выданную ИРСП Юнусабадского р-на г. Ташкента на ООО "BAKPREPARAT" (реестр № 001692-10, 24.02.2006 г.; ИНН 206150065), считать недействительной.

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

